

**МАХМУДОВ Носир Махмудович,**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
«Макроиқтисодиёт» кафедраси профессори,  
иқтисод фанлари доктори;

**УСМОНОВ Бахтиёр Хусанбаевич,**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
мустақил тадқиқотчиси

# МАШИНАСОЗЛИК ТАРМОҒИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИДА ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ТАРМОҚҚА ЖАЛБ ҚИЛИНАЁТГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР САМАРАДОРЛИГИ

УДК 338.012

---

**МАХМУДОВ Н., УСМОНОВ Б. МАШИНАСОЗЛИК ТАРМОҒИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИДА  
ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ТАРМОҚҚА ЖАЛБ ҚИЛИНАЁТГАН  
ИНВЕСТИЦИЯЛАР САМАРАДОРЛИГИ**

Мақолада Ўзбекистон Республикаси машинасозлик тармоғида кечаётган жараёнлар, тармоққа йўналтирилаётган сармоялар, уларнинг натижадорлиги таҳлил қилинган. Тармоқда ижобий таркибий ўзгаришларни жадаллаштириш борасида таклифлар киритилган.

Таянч иборалар: машинасозлик, таркибий ўзгаришлар, сармоялар, фан-техника ютуқлари.

---

**МАХМУДОВ Н., УСМОНОВ Б. НАПРАВЛЕНИЕ СТРУКТУРНЫХ СДВИГОВ И  
ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПРИВЛЕЧЕННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В МАШИНОСТРОИТЕЛЬНУЮ  
ОТРАСЛЬ**

В статье анализируются основные тенденции развития машиностроительной отрасли Узбекистана, инвестиции в отрасль и их отдача. Приводятся рекомендации по улучшению позитивных структурных сдвигов в отрасли.

Ключевые слова: машиностроение, структурные сдвиги, инвестиции, достижения науки и техники.

**MAHMUDOV N., USMONOV B. STRUCTURAL REFORMS IN MASHINERY INDUSTRY PRODUCTION AND EFFICIENCY OF INVESTMENTS TO THE SECTOR OF ECONOMY**

There are discussed in the article the general trends in the machinery industry of Republic of Uzbekistan, investments and the structural changes of the sector. As well there is provided recommendations for positive structural changes acceleration.

Keywords: machinery industry, structural changes, investments, science and technique achievements.

**Машинасозлик тармоғи нафақат республикамизда истиқболли саноат тармоғи сифатида етакчи ўрин тутади, балки у фан-техника ютуқлари, хусусан, инновацион ишланмаларни ўзида татбиқ этувчи ҳамда ишлаб чиқариш тармоқларини юқори технологиялар билан таъминлаб турувчи саноат тармоғи сифатида миллий иқтисодиётни ривожлантиришда долзарб иқтисодий аҳамият ҳам касб этади.**

Миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантиришда машинасозлик тармоғининг тараққиёти алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, мазкур тармоқнинг 2000-2015 йиллар давомида ЯИИМдаги улуши ўртача 8,5 фоизни ташкил этган<sup>1</sup>.

Яқиндагина қабул қилинган, «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»нинг 3.2-бандида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш<sup>2</sup> масаласи кўзда тутилган бўлиб, ушбу вазифанинг самарали амалга оширилиши айнан машинасозлик тармоғини янада тараққий эттириш ва ундаги таркибий ўзгаришларни баҳолаб боришни талаб этади. Чунки миллий иқтисодиётда таркибий ва технологик ўзгаришларни амалга ошириш биринчи навбатда машинасозлик

тармоғининг тараққиётига бевосита боғлиқдир.

Таъкидлаш лозимки, мазкур тармоққа юклатиладиган ҳозирги энг муҳим иқтисодий вазифа – иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш масаласидир. Чунки мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, қўлга киритилаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг асосида иқтисодиётни модернизациялаш масаласи ётади.

Модернизация – объектни янгилаш, яхшилаш, такомиллаштириш, уни янги талаблар ва меъёрлар, техник шартлар, сифат кўрсаткичларга мувофиқлаштириш бўлиб, асосан, машина, асбоб-ускуналар, технологик жараёнлар модернизацияланади<sup>3</sup>. Кейнсчилар фикрига кўра, иқтисодиётда замонавий тармоқларнинг мавжуд бўлмаслиги тараққиётнинг асосий тўсқинлик қилувчи кучи сифатида эътироф этилади<sup>4</sup>. Шунингдек, З.Г.Антонова ва В.И.Лившицларнинг фикрларича, иқтисодиётда янги технологик соҳаларнинг ривожланиши, жумладан, биотехнология, нанотехнология, асбобсозликнинг тараққий этиши (саноат ишлаб чиқаришда


<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайти маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари. [www.stat.uz](http://www.stat.uz).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда.

<sup>3</sup> Шодмонов Ш.Ш., Ғофуров У.В. Иқтисодиёт назарияси: - Т.: «Iqtisod-moliya», 2010. -184-185-б.

<sup>4</sup> Нуреев Р. Модернизация экономики: концепции и средства. <http://www.soob.ru>.

**1-расм. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш тармоқ таркибида машинасозлик тармоғи улушининг ўзгариши (фоизда)<sup>1</sup>.**



қайта ишлаб чиқаришнинг улуши, саноат ишлаб чиқаришда инновацион маҳсулотнинг улуши, тадқиқотлар ва ишланмаларга умумий харажатларнинг ЯИМдаги улуши) кўпроқ иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши билан характерланиб, бу илмталаб соҳалар ва миллий иқтисодиётнинг юқори технологик тармоқларини ривожлантиришни талаб этади ва бунда машинасозлик тармоғини тараққий эттиришга алоҳида эътибор қаратилади<sup>2</sup>.

Маълумки, республикада қабул қилинган, бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-1442-сонли,

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 апрелдаги «2015-2019 йиллар учун тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурига тузатишлар киритиш тўғрисида»ги 105-сон қарорлари<sup>3</sup> мазкур соҳанинг ривожланишида алоҳида аҳамият касб этди ва бунинг натижасида саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришда туб таркибий ва технологик ўзгаришлар содир бўлди (1-расм).

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги «2015-2019 йилларда таркибий қайта ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва диверсификациялашни таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ПФ-4707-сонли фармони ҳам ушбу тармоқнинг ривожланишида муҳим ўрин тутди.

Таҳлилларга кўра, мазкур саноат тармоғи 2000 йилда республика саноат маҳсулотининг тармоқ таркибида 9,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб мазкур кўрсаткич

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг йиллик статистик тўплами 2008. – Т., 2009. –78-б.; Ўзбекистон саноати 2016. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистик қўмитасининг статистик тўплами. – Т., 2016. –73-б.

<sup>2</sup> Антонова З.Г., Лившиц В.И. Неоиндустриальная модернизация в современной России. // Известия Томского политехнического университета, 2013, т. 323. № 6. –С. 34-39.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. www.lex.uz.

**1-жадвал. Машинасозлик ва металлга ишлов бериш саноати тармоқлари бўйича ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари<sup>1</sup> (2000 й. = 100)**

Машинасозлик тармоқлари	2010	2011	2012	2013	2014	2015
Машинасозлик ва металлга ишлов бериш	8,2 м.	9,2 м.	10,5 м.	13,0 м.	14,9 м.	13,8 м.
Машинасозлик	9,2 м.	10,2 м.	11,6 м.	14,5 м.	16,4 м.	14,4 м.
Электротехника саноати	12,3 м.	16,1 м.	18,7 м.	22,7 м.	27,6 м.	29,3 м.
Дастгоҳсозлик ва асбобсозлик саноати	3,0 м.	3,7 м.	5,9 м.	4,1 м.	6,0 м.	9,4 м.
Приборсозлик	3,9 м.	5,2 м.	4,9 м.	3,8 м.	3,9 м.	4,1 м.
Кўтарма транспорт машинасозлиги	4,4 м.	7,5 м.	11,7 м.	9,3 м.	11,4 м.	7,9 м.
Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги	2,3 м.	2,2 м.	2,3 м.	3,7 м.	3,5 м.	1,8 м.
Машина ва ускуналарни таъмирлаш	4,1 м.	4,9 м.	5,3 м.	5,3 м.	6,3 м.	6,7 м.

**2-расм. Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати бўйича маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръатлари<sup>2</sup> (ўтган йилга нисбатан фоизда).**

19,2 фоизни ташкил этган ҳолда ушбу давр оралиғида 9,4 фоизга ўсди. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, саноат тармоқларида, хусусан, 2001-2014 йиллардаги ўсиш иқтисодиётнинг умумий ривожланиш суръатларидан тезроқ юз берди<sup>3</sup>. Айниқса, автомобилсозлик, темир йўл машинасозлиги, маиший электротехника каби бир қатор машинасозлик тармоқларида

жадал ўсиш суръатлари қайд этилди ҳамда 2000 йилга нисбатан машинасозлик ва металлга ишлов бериш саноати тармоқлари бўйича 1-жадвалдаги каби ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари кузатилди.

Жадвалда келтирилган статистик маълумотларга кўра, электротехника саноати ҳамда машина ва ускуналарни таъмирлаш тармоқларида 2000 йилга нисбатан барқарор ўсиш тенденцияси сақланиб қолган бўлса, трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати 2014 ва 2015 йилларда пасайиш характерига эга бўлиб, жумладан 2014 йилда олдинги йилга нисбатан 0,2 мартага ва 2015 йилда эса олдинги йилга нисбатан 1,7 мартага пасайган.

<sup>1</sup> Ўзбекистон саноати 2016. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик тўплами. – Т., 2016. -73-б.; Ўзбекистон саноати 2014. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик тўплами. – Т., 2014. -121-б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайти маълумотлари. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)

<sup>3</sup> Зиёев Т., Исроилова Ш. Таркибий ўзгаришлар – иқтисодий ўсишнинг асосий йўналиши. // «Иқтисодчи» газетаси, 2015, 3-4 сон (817-18). -6- б.

**2-жадвал. Машинасозлик тармоғида айрим маҳсулот турларининг ишлаб чиқариш ҳажмлари<sup>1</sup>**

Маҳсулот тури	2010	2011	2012	2013	2014	2015
Автомобиллар (минг дона)	220,3	224,5	239,9	251,3	250,7	190,5
Автобуслар (дона)	1268,0	964,0	1100,0	1136,0	1217,0	754,0
Тракторлар (дона)	2807,0	1981,0	1792,0	2807,0	2196,0	1378,0
Автомобиллар учун аккумуляторлар ва қўрғошинли аккумулятор батареялари (минг дона)	411,0	466,6	542,9	485,0	522,9	631,4
Марказдан қочма насослар (минг дона)	1,8	2,6	2,4	2,1	2,0	3,0
Компрессорлар (дона)	78,0	169,0	91,0	115,0	181,0	115,0
Ғалла ўрувчи комбайнлар (дона)	170,0	207,0	148,0	202,0	201,0	231,0
Сеялкалар (дона)	611,0	810,0	1364,0	796,0	185,0	318,0
Ўргичлар (дона)	301,0	168,0	201,0	152,0	166,0	112,0
Кондиционерлар (минг дона)	19,0	19,9	56,5	42,9	68,2	86,9
Совутгич ва музлатгичлар (дона)	18893,0	19140,0	25302,0	38870,0	89352,0	117108,0
Телевизорлар (минг дона)	62,9	74,4	101,4	138,8	241,7	337,6
Дазмоллар (минг дона)	10,6	12,0	17,8	16,0	6,0	8,7

Статистик маълумотларнинг кўрсатишича, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноатининг ўсиш суръатлари 2000-2015 йиллар давомида нисбатан катта бўлган вариацияланиш характериға эға бўлди. Жумладан, мазкур тармоқда энг юқори (132,1 фоиз) ўсиш суръати 2004 йилда кузатилган бўлса, энг қуйи (89,7 фоиз) ўсиш суръати 2000 йилда кузатилди. Шунингдек, 2000-2015 йиллар давомида ушбу тармоқда 2-расмдагидек ўсиш суръатлари намоён бўлди.

Бироқ таҳлилларнинг кўрсатишича, мазкур тармоқда ўсиш суръати 2014 йилда олдинги йилға нисбатан 9,5 фоизға ҳамда 2015 йилға келиб мазкур кўрсаткич олдинги йилға нисбатан 22,5 фоизға пасайиш тенденциясини намоён этди.

Бугунги кунда республикаимиз машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати – машинасозлик, электротехника саноати, дастгоҳсозлик ва асбобсозлик саноати, анжомсозлик, кўтарма транспорт машинасозлиги, трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги, машина ва ускуналарни таъмир-

лаш каби саноат тармоқларидан ташкил топган бўлиб, ҳозирги кунға келиб мамлакатимизда мазкур саноат тармоғиға тегишли бўлган автомобиллар, автобуслар ва тракторлар, автомобиллар учун аккумуляторлар ва қўрғошинли аккумулятор батареялари, кучланиш трансформаторлари, марказдан қочма насослар, компрессорлар, автомобиль двигателлари, ғалла ўрувчи комбайнлар, сеялкалар, ўргичлар, кондиционерлар, микротўлқинли печлар, чангютгичлар, совутгич ва музлатгичлар, кир ювиш машиналари, телевизорлар ва дазмоллар каби асосий турдаги машинасозлик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда (2-жадвал).

Жадвалда қайд этилган статистик маълумотларға кўра, кейинги 3 йилда уй-рўзғор буюмлари ва жиҳозлари, жумладан, телевизор, совутгич ва музлатгичлар ҳамда кондиционерлар ишлаб чиқариш ҳажми ўсган бўлса, республикаимизда машинасозликнинг турли тармоқлари, хусусан, қишлоқ хўжалик машинасозлиги сезиларли даражада ривожланган бўлишиға қарамай, айрим қишлоқ хўжалиги машинасозлиги маҳсулотлари, жумладан, тракторлар ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада пасайган.

<sup>1</sup> Ўзбекистон саноати 2016. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик тўплами. – Т., 2016. -73-б.; Ўзбекистон саноати 2014. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик тўплами. – Т., 2014. -121-б.

<sup>1</sup> Муаллифлар ҳисоб-китоби.

**3-жадвал. Машинасозлик тармоғида айрим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш тузилмасида таркибий силжишлар<sup>1</sup> (мутлақ силжишлар пунктда, нисбий силжишлар фоизда)**

Маҳсулот турлари	Таркибий силжишлар					
	Мутлақ			Нисбий		
	2010-2012	2012-2014	2010-2015	2010-2012	2012-2014	2010-2015
Автомобиллар	-5,17	-3,05	-15,56	82,39	87,38	47,04
Автобуслар	-0,06	-0,01	-0,11	65,64	92,51	32,35
Тракторлар	-0,19	0,00	-0,27	48,30	102,47	26,71
Автомобиллар учун аккумуляторлар ва қўрғошинли аккумулятор батареялари	-0,03	-10,66	-9,00	99,94	80,54	83,58
Марказдан қочма насослар	0,00	-0,07	-0,02	100,88	69,68	90,67
Компрессорлар	0,00	0,01	0,00	88,27	166,32	80,21
Ғалла ўрувчи комбайнлар	-0,01	0,00	-0,01	65,87	113,57	73,92
Сеялкалар	0,06	-0,12	-0,06	168,91	11,34	28,31
Ўргичлар	-0,02	-0,01	-0,03	50,52	69,06	20,24
Кондиционерлар	3,17	0,05	3,77	224,99	100,94	248,82
Совутгич ва музлатгичлар	0,03	4,99	5,98	101,33	295,30	337,21
Телевизорлар	1,84	10,16	16,11	121,97	199,32	291,99
Дазмоллар	0,38	-1,29	-0,78	127,05	28,19	44,65

Бугунги кунда республикамизнинг йирик машинасозлик марказларига Тошкент, Самарқанд, Андижон, Наманган, Навоий вилоятларини киритадиган бўлсак, қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводлари жойлашган йирик ҳудудларга Тошкент ва Чирчиқ шаҳарларини киритиш мумкин.

Машинасозлик тармоғи ишлаб чиқаришида таркибий ўзгаришлар йўналишини аниқлаш муҳим иқтисодий масала бўлиб, бу келажакда мазкур тармоқда қандай маҳсулотларга талаб мавжудлигини аниқлаш имкониятини беради. Машинасозлик тармоғи ишлаб чиқариш тузилмасига баҳо беришда шу тузилмадаги тармоқлар саноат маҳсулоти улушининг шаклланиш қонуниятини аниқлаш муҳим иқтисодий аҳамият касб этади. Шунингдек, мазкур саноат тармоқлари ўртасидаги мақбул мутаносибликни шакллантириш тармоқда таркибий сиёсат олиб боришнинг асосий шarti ҳисобланади.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, машинасозлик тармоғи ишлаб чиқариш тузилмасидаги силжишларни миқдорий баҳолаш натижалари тармоқда туб таркибий ўзгаришлар содир бўлганлигини кўрсатади (3-жадвал).


Айтиш жоизки, машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш тузилмасидаги силжишларнинг мутлақ қўшимча ўзгариши тузилма маълум унсурининг тегишли даврларга нисбатан неча пунктга ўзгаришини ифодаласа, тузилмавий силжишларнинг нисбий кўрсаткичи эса тузилма маълум унсурининг тегишли даврларда ўзгариш суръатини ўзида ифода этади. Шунингдек, улушларнинг мутлақ қўшимча ўзгариши улушлар ўзгаришининг кўлами, улушларнинг ўзгариш суръати эса улушлар ўзгаришининг жадаллигини ифодалайди. Улушларнинг олдинги даврга нисбатан ўзгаришини аниқлаш тузилмавий силжишларнинг жадаллиги, улушларнинг базис даврга нисбатан ўзгаришини аниқлаш эса уларнинг илгарилаш даражасини баҳолаш имкониятини беради.

Бироқ машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш тузилмасидаги алоҳида маҳсулотларни тавсифловчи улушларнинг «мутлақ» ёки «нисбий» ўзгаришлари машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибидаги улушларининг умумий ўзгаришини яхлит ҳолда баҳолаш имкониятини бермайди. Шу сабабли, машинасозлик маҳсулотлари ишлаб



**4-жадвал. Рябцев индекси бўйича тузилмавий ўзгаришлар меъёрини баҳолаш шкаласи<sup>1</sup>**

Кoeffициент қийматларининг интервали	Тузилмавий ўзгаришлар меъёрининг тавсифи
0,030 гача	Ўхшаш тузилма
0,031-0,070	Жуда паст даражадаги тафовут
0,071-0,150	Паст даражадаги тафовут
0,151-0,300	Аҳамиятли даражадаги тафовут
0,301-0,500	Сезиларли даражадаги тафовут
0,501-0,700	Жуда сезиларли даражадаги тафовут
0,701-0,900	Тескари тузилма
0,901 ва ундан юқори	Тўла тескари тузилма

**3-расм. Машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш тузилмасидаги умумий силжишлар динамикаси, Рябцев индекси<sup>2</sup> (пункт).**

чиқариш тузилмасидаги умумий силжишларни баҳолаш учун В.М.Рябцевнинг қуйидаги тузилмавий силжишлар индексидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади<sup>3</sup>:

$$I_R = \sqrt{\frac{\sum_{i=1}^n (d_{it} - d_{it-1})^2}{\sum_{i=1}^n (d_{it} + d_{it-1})^2}}$$

<sup>1</sup> Рябцева В.М., Чудилина Д. Региональная статистика. - М., «МНД», 2001. - С. 153.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар ҳисобитоби.


<sup>3</sup> Рябцев В.М. Критериальные подходы к оценке меры различий структуры региональной экономики по формам собственности. // Материалы Всероссийского научного семинара «Реализация и эффективность новых форм экономических отношений». - Самара, 1996. - С. 13.

Мазкур индекс  $0 \leq I_R \leq 1$  оралиқда ўзгариб туради ҳамда ушбу индекснинг 1 сонига яқинроқ жойлашуви тузилмада таркибий ўзгаришларнинг юқорилигидан далолат беради ва аксинча.

Олинган натижаларни талқин қилиш учун Рябцев индекси бўйича тузилмавий ўзгаришлар меъёрини баҳолаш шкаласидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, у 4-жадвалда ўз ифодасини топган.

Рябцев индекси бўйича олинган натижалар қуйидаги графикда ўз ифодасини топган бўлиб, унга кўра 2010-2012 йилларда машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш тузилмасидаги умумий силжишлар 0,05 пунктни, 2012-2014 йилларда 0,14 пунктни ҳамда 2010-2015 йилларда эса 0,22 пунктни ташкил этди (3-расм).

4-расм. Саноат тармоқлари бўйича асосий капиталга инвестициялар ва чет эл инвестициялари ҳамда кредитлари тузилмасида машинасозликнинг улуши (жамига нисбатан фоизда)<sup>1</sup>.



Рябцев индекси машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш тузилмасидаги силжишларнинг тўпلام тузилмаси максимал ўзгариши мумкин бўлган ҳолатга нисбатан қанчага ўзгарганлигини кўрсатади. Агар ушбу умумлаштирувчи индексни назарий жиҳатдан 0 ва 1 қийматлар оралиғида ўзгаришини инобатга оладиган бўлсак, у ҳолда таҳлил қилинаётган даврларда машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш тузилмасидаги умумий силжишлар ҳақида маълум бир ҳулосага келиш қийин эмас. Жумладан, таққосланаётган таркибий силжишлар орасидаги фарқ қанчалик кичик бўлса, Рябцев индексининг қиймати нолга яқин ва аксинча, фарқ қанчалик катта бўлса, шунчалик бирга яқин бўлади.

Машинасозлик тармоғидаги таркибий ўзгаришлар тармоқнинг барқарор ўсиши, миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши, иқтисодиёт тармоқлари ишлаб чиқаришини юқори технологиялар асосида ташкил этиш ва бунинг пировардида аҳоли

даромадлари ошиб, улар турмушининг янада яхшиланишига олиб келади.


Машинасозлик тармоғининг барқарор ва мутаносиб ривожланиши ҳамда унинг самарали таркибий тузилмага эга бўлиши кўп жиҳатдан мамлакатдаги инвестиция фаолиятига бевосита боғлиқ бўлади. Шунга кўра, инвестиция фаолияти машинасозлик тармоғи ривожланишининг муҳим манбаи ҳисобланади. Инвестиция фаолияти асосидаги кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш фантехника тараққиётининг ўсиш суръатлари ва кўламига фаол таъсир кўрсатади, ишчи кучи бандлигини таъминлашга шарт-шароит яратади. Шу билан бирга мазкур фаолият тармоқдаги таркибий ўзгаришлар, диверсификация жараёнлари, тармоқ корхоналарининг ҳудудлар бўйича самарали ва оқилона жойлаштирилиши ҳамда ривожланишига аҳамиятли таъсир кўрсатади.

Таҳлилларга кўра, кейинги 3 йилликда, жумладан, 2013 йилда иқтисодиёт тармоқлари бўйича асосий капиталга инвестициялар тузилмасида жамига нисбатан машинасозликнинг улуши 3,0 фоиз (832,4 млрд сўм), 2014 йилда 1,9 фоиз (660,0 млрд сўм) ва 2015 йилда 2,4 фоиз (993,4 млрд сўм)ни ташкил

<sup>1</sup> Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-таҳлилий бюллетень. 2015 йил январь-декабрь. – Т., 2016. -16-18-б.



**5-расм. Машинасозлик тармоғида асосий капиталга киритилган 1 сўмлик инвестицияга тўғри келадиган маҳсулот миқдори (сўм)<sup>1</sup>.**



этан бўлса, 2013 йилда иқтисодиёт тармоқлари бўйича чет эл инвестициялари тузилмасида машинасозликнинг улуши 1,4 фоизни, 2014 йилда 1,0 фоизни ҳамда 2015 йилда 1,2 фоизни ташкил этди<sup>2</sup>.

Саноат тармоқлари бўйича асосий капиталга инвестициялар ва чет эл инвестициялари ҳамда кредитлари тузилмасида машинасозликнинг улуши жамига нисбатан 4-расмдаги каби тенденцияни ифода этди.

Шунингдек, 2013 йилда асосий капиталга инвестицияларнинг технологик тузилмасида машина ва ускуналарнинг улуши 36,5 фоизни, 2014 йилда 32,0 фоизни ҳамда 2015 йилда 34,3 фоизни ташкил этган ҳолда ижобий тенденцияни ифода этди.

Таъкидланганидек, машинасозлик тармоғида таркибий ўзгаришлар ва ундаги устувор соҳаларнинг ривожланиши мазкур тармоққа йўналтириладиган капитал қўйилмалар миқдорига бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ички ва ташқи инвестицияларни машинасозлик тармоғи ишлаб чиқаришига жалб қилишни кўпайтириш ва жалб қилинадиган инвестициялардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, қуйидаги кўрсаткич-

лар машинасозлик тармоғида жалб қилинадиган инвестициялардан қай даражада самарали фойдаланиладиганликдан далолат беради:

- тармоққа жалб қилинган 1 сўмлик инвестицияларга тўғри келадиган машинасозлик тармоғида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми;

- машинасозлик тармоғига жалб қилинган инвестицияларнинг йиллик ўсиш суръати;

- саноатга жалб қилинган инвестицияларнинг умумий ҳажмида машинасозлик тармоғига жалб қилинган инвестицияларнинг ҳиссаси;

- машинасозлик тармоғига жалб қилинган инвестициялар ҳисобига яратилган иш ўринлари сони.

5-расмда машинасозлик тармоғида асосий капиталга киритилган 1 сўмлик инвестицияга тўғри келадиган маҳсулот қайтими ўз ифодасини топган.

Таҳлилларга кўра, машинасозлик тармоғида асосий капиталга киритилган 1 сўмлик инвестицияларга тўғри келадиган ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 2013 йилда 14,5 сўмни, 2014 йилда 21,9 сўмни ҳамда 2015 йилда 13,24 сўмни ташкил этди. Тадқиқотларга кўра, 1 сўмлик инвестицияга тўғри келадиган тармоқдаги ялпи маҳсулот қийматининг пасайиши тегишли йилларда мазкур тармоқ

<sup>1</sup> Муаллифлар ҳисоб-китоби.

<sup>2</sup> Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-таҳлилий бюллетень. 2015 йил январь-декабрь. – Т., 2016. -16-18-б.

маҳсулотлари ўсиш суръатини инвестицияларнинг ўсиш суръатидан паст бўлганлиги билан изоҳланади<sup>1</sup>.

Бугунги кунда машинасозлик тармоғини инвестициялаш борасида ҳам бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, унга кўра мазкур тармоқнинг ЯИМдаги улуши ўртача 8,5 фоизни ташкил этса-да, бироқ иқтисодиёт тармоқлари бўйича асосий капиталга инвестициялар таркибида мазкур тармоқнинг улуши атиги 2,4 фоизни, чет эл инвестицияларининг тузилмасида эса 1,2 фоизни ташкил этади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, машинасозлик ва металлга ишлов бериш тармоғида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми айрим йилларда нобарқарор тенденцияга эга бўлиб, жумладан, 2002-2004 йиллар ҳамда 2013-2014 йиллар давомида мазкур динамикада пасайиш тенденцияси кузатилди<sup>2</sup>.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тармоқдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати билан соҳага жалб қилинаётган инвестицияларнинг ўсиш суръати ўртасида номутаносибликнинг юзага келишига йўл қўймаслик лозим. Тармоққа жалб қилинаётган инвестициялар самарадорлигини ошириш мақсадида биринчи навбатда тармоқнинг умумиқтисодий ривожланиши ва самарадорлигини яхшилаш, бунинг учун тармоққа киритилаётган инвестицияларни қўйидаги истиқболли йўналишларга жалб этиш мақсадга мувофиқдир:

- машинасозлик таълим йўналишлари мавжуд бўлган олий ўқув юртлари ҳузурида машинасозликка ихтисослашган технопаркларни ташкил этиш;

- фан-техника сиғими юқори бўлган машинасозлик тармоқлари, жумладан, электротехника саноати, биотехнология, нанотехнология, дастгоҳсозлик ва асбобсозлик тар-

моқлари ишлаб чиқаришини хорижий инвестициялар ҳисобига кенгайтириш ва ривожлантириш;

- машинасозлик тармоғидаги инновацион ишланмаларни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш ва янги технологияларни тармоқ ишлаб чиқаришига кенг жорий этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

- хорижий инвестицияларни, биринчи навбатда, энергия ва ресурс тежовчи технологияларни ишлаб чиқарувчи машинасозлик тармоқларини кенгайтиришга йўналтириш ва бу борада нисбий устунликлар бериш;

- машинасозлик тармоғининг инвестицион жозибадорлигини ошириш ва тармоқдаги инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришни кенгайтириш;

- машинасозлик тармоғи учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишларига хорижий инвестиция ва грант маблағларини кенг жалб этиш.

Хулоса қилиб айтганда, машинасозлик тармоғи мамлакатимизда истиқболли саноат тармоғи сифатида фан-техника ютуқларини ўзида мужассам этувчи ва ишлаб чиқариш тармоқларини юқори технологиялар билан таъминлаб турувчи саноат тармоғи ҳисобланади. Шу туфайли ушбу тармоққа иқтисодиётни технологик қайта қурулантириш, ишлаб чиқариш тармоқларини диверсификациялаш ва модернизациялаш, иқтисодиёт тармоқларидаги меҳнат унумдорлиги ва мамлакатнинг илмий салоҳиятини ошириш каби ҳозирги замоннинг энг долзарб бўлган вазифалари юклатилади. Мазкур тармоқдаги таркибий ўзгаришларни баҳолаш, фан-техника сиғими юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга хизмат қилади ва мазкур вазифа тармоққа фаол равишда инвестицияларни жалб этиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш орқалигина ечилади.

<sup>1</sup> Махмудова Г.Н. Аграр соҳани инвестициялаш самарадорлигини ошириш йўналишлари. // Иқтисод фанлари номзоди илм. дар. олиш учун дисс. автореферати: - Т., 2010. -11-б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон саноати. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2002, 2003, 2008, 2014 ва 2016 йиллардаги расмий статистик тўпламлари.

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Шодмонов Ш.Ш., Ғофуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. - Т.: «Iqtisod-moliya», 2010. -184-185-б.
2. Нуреев Р. Модернизация экономики: концепции и средства. <http://www.soob.ru>.
3. Антонова З.Г., Лившиц В.И. Неоиндустриальная модернизация в современной России. // Известия Томского политехнического университета, 2013, т. 323, № 6. -С. 34-39.
4. Ўзбекистоннинг йиллик статистик тўплами 2008. – Т., 2009.
5. Ўзбекистон саноати 2016. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик тўплами. – Т., 2016. -73-б.
6. Зиёев Т., Исроилова Ш. Таркибий ўзгаришлар – иқтисодий ўсишнинг асосий йўналиши. // «Иқтисодчи» газетаси, ТДИУ, 2015, 3-4 сон, март-апрель. -6-б.
7. Ўзбекистон саноати 2014. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистик қўмитасининг статистик тўплами. – Т, 2014. -121-б.
8. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайти маълумотлари. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)
9. Рябцев В.М. Критериальные подходы к оценке меры различий структуры региональной экономики по формам собственности. // Материалы Всероссийского научного семинара «Реализация и эффективность новых форм экономических отношений». – Самара, 1996. –С. 13.
10. Рябцева В.М., Чудилина Д. Региональная статистика. - М.: «МНД», 2001. –С. 153.
11. Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-таҳлилий бюллетень. 2015 йил январь-декабрь. – Т., 2016. -16-18-б.
12. Махмудова Г.Н. Аграр соҳани инвестициялаш самарадорлигини ошириш йўналишлари. // И. ф. н. илм. дар. олиш учун дисс. автореферати. - Т., 2010. -11-б.
13. Ўзбекистон саноати. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2002, 2003, 2008, 2014 ва 2016 йиллардаги расмий статистик тўплamlари.